

ИШОНСН

АНИҚ ВА ПУХТА

иш режаси асосида

Ўзбекистон енгил, мебел саноти ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг III йигилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибига киритилган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Курултойи қарорларини бажариш бўйича жойлардаги ёнгина қарши кураш жамиятларида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг вазифалари тўғрисида» ҳамда «Тармоқ касаба уюшма кенгаши раис лавозимига янги сайланган ҳамда тармоқ касаба уюшма МКнинг вакили лавозимига янги тайинланган ходимларни Ўзбекистон енгил, мебел саноти ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси МК аъзолигига қабул қилиш тўғрисида»ги масалалар юзасидан МК раиси Маъмура Одилова маъруза қилди.

Йигилишда тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашлари раислари, Ёнгина қарши кураш жамиятларининг вилоят раҳбарлари, етакчи мутахассислари қатнашди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Республика Ёнгина қарши кураш жамияти раиси Шухрат Ишқурбонов, Бухоро вилоятидан З.Арслонова, Қашқадарё вилоятидан С.Ишпулатова, Фарғонадан А.Исроилов, Тошкент вилоятидан Х.Норматов, Жиззахдан С.Кенжаев, Сирдарёдан Р.Акрамов ва Тошкент шаҳридан Л.Ғоиповлар ўз ишларидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Йигилиш қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Курултойи қарорларини бажариш бўйича жойлардаги «Ёнгина қарши кураш жамиятлари»да муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этиш билан бирга, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга етарлича аҳамият берилмаганлиги натижасида бир қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганлигини рўй-рост таъкидлаб ўтти.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг таҳлили, уларнинг кўп ҳолларда бугунги кун талаблари, белгилаб берилган асосий вазифалари ва ўз Низомида кўрсатилган мезонларга амал қилмаётганидан далолат бериши қайд этилди.

Айниқса, жамоа шартномаларини қабул қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-ҳодимларга иш ҳақи, нафақаларини ўз вақтида тўлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, шунингдек, ўз иш фаолиятини аниқ ва пухта иш режаси асосида таҳлил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш, бу мақсадлар учун белгиланган маблағлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш каби масалаларда Андижон, Наманган, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳар кенгаши ва вакилликлари томонидан камчиликларга йўл қўйилган.

Бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган касаба уюшма аъзоларининг маънавий-маърифий савияси ва дунёқарашини ошириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини уларнинг онгига етказишда сустқашликка йўл қўйилганлиги жиддий ташвиш уйғотади.

Ёнгина қарши кураш жамиятининг ташкил этилганига 60 йил тўлишини нишонлаш ҳамда жамиятининг Низомини қайтадан кўриб чиқиш, ходимлар таркибини фаоллаштириш, аҳоли ўртасида ёнгина қарши кураш масалаларини кенг тарғиб қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқорида зикр этилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, амалга оширилаётган тадбирлар самарасини янада ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири

Табриклаймиз!

Айни кунларда юртимиз узра спорт соҳасидаги улкан муваффақият кувончи руҳи кезиб юрибди. Шу йилнинг 1 - 15 декабр кунлари Катар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларидан мамлакатимиз спортчилари шода-шода медаллар билан қайтишди. Ўзбекистон 45 та давлат ичида жами 39 та медал билан 7-ўринни эгаллади. Улардан 11 таси олтин, 14 таси кумуш ва 14 таси бронза медалларидир.

Ана шу ютуқда касаба уюшма спортчиларининг муносиб улуши борлиги ниҳоятда фахрланарлиқдир. 32 нафар касаба уюшма спортчиси 12 та тур бўйича иштирок этиб, медаллар гулдастасига жами 14 та, яъни 7 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медал тўхта этди. Хусусан, Севара Ғаниева, Зарина Ғаниева, Руслан Наурузалиев ва Владимир Черненко академик эшак эшиш, Дилшод Мансуров эркин кураш, Юля Борзова байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича олтин медаллар, Гўзал Хубиева енгил атлетика бўйича олтин ва кумуш медаллар, Сергей Борзов байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича иккита кумуш медал, Равшан Рўзикулов юнон-рум кураши, Жасур Матқонов бокс бўйича кумуш медаллар, Максим Кирянов байдарка ва каноэда эшак эшиш ҳамда Дилшод Хидиров бокс бўйича бронза медаллар соҳиб бўлишди.

Ушбу киламизки, бу муваффақият уларни спортнинг янада баланд чўққиларини забт этишга илҳомлантиради.

Йилнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланмиш Осиё ўйинлари Катар пойтахти Доха шаҳрида навбатдаги голиб ва совриндорларни аниқлаб берди. 163 та олтин, 87 та кумуш ва 63 та бронза медалларини қўлга киритган хитойликлар шоҳ-супанинг энг юқорисидан, жанубий корейликлар 57 та олтин, 53 та кумуш ва 82 та бронза медали билан иккинчи, 50 та олтин, 71 та кумуш ҳамда 77 та бронза медаллари билан японияликлар учинчи ўринни банд этдилар.

Шанба оқшомида Тошкент халқаро аэропорти ўзга кўриниш олди. Жонажон Ватанимиз байроқлари ҳамда мафтункор гулдасталар, гала-балалар билан табриқловчи широрлар кўтарган муҳлислар, спорт федерациялари мута-саддилари ва мураббийлари, ОАВ вакиллари Осиё ўйинлари қаҳрамонларини шоду хуррамлик билан қутиб олдилар. Барчанинг қалби ҳаяжон, хурсандчилик ҳисси-га лиммо-лим эканлиги шундоқ юзларидан кўриниб турарди.

Шундай унутилмас лаҳзаларда бир нечта спортчиларнинг фикрларини ёзиб олдик.



София КАСПУЛОВА, каратэ бўйича Осиё ўйинлари чемпиони:
— 2002 йил Пусанда ўтган XIV Осиё ўйинларида кумуш медалга эришгандим. Бу албатта, яхши натижа. Лекин менинг ниятим янада юксак эди. Шу боис Катардаги XV

ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР



Осиё ўйинлари га жуда жиддий тайёргарлик кўрдим. Туртта ўкув-машгулот йигини ва иккита саралаш мусобақасида иштирок этдим.

Доҳада 60 килограмм вазнда та-тамига чиқдим ва ай-тишим мумкинки, баҳслар жуда кескин ўтди. Финалда азалий рақибларимдан Бирлашган Араб Амир-лиги вакилиси билан жанг ўтказдим. Унинг ҳам мени жиддий ўрганганлиги бутун жанг давомида билинди. Бироқ мени тезлик ишлатиб унга аниқ зарбалар бердим ва баҳсда 5:0 ҳисобида гала-ба қозондим.

Элшод РАСУЛОВ, бокс бўйича Осиё ўйинлари голиби:
— Осиё ўйинлари га қадар уч босқичли ўкув-машгулот йигинларида қатнашиб, тайёргарлик кўрдим. Албатта, Доҳага анча кута-гулот йигини кайфиятда, фақат голибликни ният қилиб боргандим ва худого шукур, юртга ёруғ юз билан қайтдим. Хурсандман.

— Осиё ўйинлари га голибликка эришган чоғин-гизда сизни табриқлаб, она Ўзбекистондан ҳам кўнги-роқлар бўлгани табиий. Сизни ким биринчи бўлиб қутлади? — Устозларимдан бири — Мансур ака Маҳмудов, Ўзбекистон ёшлар терма жамоа-си бош мураббийидан даст-лабки тарбиқни эшитдим. — Элшод, мана ҳозиргина самолётдан тушдингиз. Би-ламан, жуда ҳаяжондасиз. Шу чоғдаги дил сўзларин-гиз...

— Аввало, шундай танта-нали қутиб олишгани учун раҳмат. Ростки, бунақа бу-лади, деб ўйламагандим. Бугун ўзбек халқини яқин-лашиб келаятган Янги йил байрами билан чин қалбим-дан табриқлайман. Барчага соғлик, бахт-саодат тилай-ман.

Вячеслав ИУЛДОШЕВ, Ўзбекистон байдарка ва каноэда эшак эшиш терма жамоа бош мураббийи:
— Ма-шгулотларни Тошкент ден-гизидан ўтказдик ва икли-мга мосла-шиш учун Осиё ўйинлари бошлан-шидан 15 кун ил-гари Катарга етиб бордик. У ерда машқларни давом эт-тирдик.

— Осиё ўйинлари га тайёргарликни аниқ дастур асосида олиб борганимиз кўл келди. Ва айнан 10 — 15 декабр кунига келиб, спортчилар тайёргарли-га «пик» нуқтага, яъни, энг юқори чўққига етди ҳамда биз



икки олтин, тўрт кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритдик. Бизнинг байдарка ва каноэчилар умумжамоа ҳисоби-да Хитойдан кейин 2-ўринни олишдик.
Албатта, бу муваффақиятлар катта меҳнат, чидам ва ишти-шлар завоғига қўлга киритилди.

Акмал АБДИЕВ

Ўзбекистон ва халқаро касаба уюшмалари ҳамкорлиги



Республикаимизда юз бераётган демократик янгиланиш ва ўзгаришлар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқаро касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари учун ҳам кенг йўл очиб берди. Натижада халқаро касаба уюшма ташкилотлари иштирокида қатор ил-ми-амалий конференциялар, семинарлар ўтказилишига эришилди. Бундай анжуманларда иштирок этган халқаро касаба уюшмалари вакиллари мамла-катимизда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини қулай-тириштириш, етарли меҳнат шароит-лари яратиш, бандлик каби мас-салаларда ижтимоий шерикчи-лик тамойили асосида эътибор-га молик натижаларга эриши-лаётганлигини эътироф этиш билан бирга, Ўзбекистон таж-рибасидан ўз фаолиятлари учун фойдали жиҳатларни олишга муваффақ бўлганликларини ҳам таъкидлашди.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноти тармоқ-лари ходимлари касаба уюшма-си Марказий Кенгаши 1994 йил-дан бери Халқаро Евроосиё ме-талл ишчилари касаба уюшма-си Федерациясига аъзодир. Ўтган давр мобайнида Ўзбеки-стон Металлургия ва машинасоз-лик саноти тармоқлари ходим-лари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ушбу Халқаро Феде-рацияга аъзо ақсарият мамла-

катлар касаба уюшма-лари билан икки тарафлама ҳам-корлик тўғрисидаги келишувлар-ни имзолашга эришди. Унинг на-тижаси ўлароқ тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ходимлари ва фаоллари хорижий давлатлар-да бўлиб, тажриба алмашуви ва ҳамкорлик алоқаларини муста-ҳкамлашга эришмоқдалар. Ўз на-вбатида мазкур Халқаро Еврооси-ё металл ишчилари касаба уюшмаси Федерацияси бошқа худудлардаги каби мамлақати-мизда ҳам бир неча бор Феде-рация Марказий қўмитаси йиги-лишлари, худудий ўкув-семинар-ларини ташкил этиб келмоқда.

Фикримиз далили сифатида яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро Евроосиё металл ишчилари касаба уюшмаси Феде-рацияси Марказий қўмитасининг навбатдаги XXIV йигилишини келтиришимиз мумкин. Фа-олият мезонини металл ишчи-ларининг ижтимоий ҳимояси, қафолатланган бандлиги, тур-муш даражасини ошириш ва қулай иш шароитлари яратиш масалалари ташкил этувчи маз-кур Федерация саноятнинг тоғ-кон, металлургия ва металлга ишлов бериш соҳаларида фа-олият кўрсатувчи 21 миллионга яқин меҳнатқашлар касаба уюш-маларининг Халқаро уюшмаси ҳисобланади. Бугунги кунда 20 давлатнинг 81 та касаба уюшма ташкилотлари Федерациянинг тенг ҳуқуқли аъзолари санала-ди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини қулайтириш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўзсиз ушбу жараёнларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам ўзига хос ўрин тутиб келмоқда.


МУНОСИБ МЕҲНАТ ВА УНГА ЯРАША РАҒБАТ



Мазкур анжуманда унга аъзо ташкилотлар фаолиятига оид ақ-боротлар тингланди. Истамбул университети доценти, доктор Яшар Хўжа Солиҳ ўғлининг Ев-роосиёнинг бугунги кундаги иж-тимоий-иқтисодий имкониятла-ри, Евроосиё давлатлари иқти-содий ҳамкорлигида касаба уюш-маларининг тутган ўрни ҳамда вазифалари тўғрисидадаги қиқши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



Николай СОЛОВЬЕВ, Россия Авиация саноти меҳнатқашлари касаба уюшмаси раиси:
— Хар бир инсон меҳнат қилар экан, у ўз меҳнатига яраша тақ-дирланиши шарт. Шу маънода бугунги тадбир барча учун бир-дек фойдали моҳиятга эга бўлди, десак муболага бўлмайди. Чунки касаба уюшмаларининг асосий вазифалари меҳнатқашлар ман-фаатларини ҳимоя қилишдир. Мазкур халқаро касаба уюшма ташкилотининг асосий ғояси ҳам шу. Бу каби йигилишлар соҳа хо-димларининг ижтимоий-иқтисо-дий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси борасида навбатдаги ва-зифаларини аниқлаб олиш ва юза-га келиши мумкин бўлган муам-моларни бартараф этишда катта аҳамият касб этади.



асосида меҳнатқашлар манфаат-ларини ҳимоя қилиш борасида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.
Муҳаррам АСЛИНОЖЕ, «Туркметалл» касаба уюшмаси бош қотиби:
— Евроосиё мамлакатларида бўлиб ўтадиган бундай мажли-ларда кўп бора бўлганман. Аммо Ўзбекистонда ташкил этилган мазкур анжуман ўзга таассурот қолдирди. Дўстона ва мафтункор бу диёрда биринчи бор бўли-шига қарамай ўзбекистонлик-ларини худди қадрдонлардек ҳис қилдим.

Халқаро Евроосиё металл иш-чилари касаба уюшмаси Феде-рацияси XXIV йигилиши ишти-рокчилари яна бир муҳим маса-ла — Федерацияга аъзо ташки-лотлар касаба уюшмалари мута-хассислари ҳамда фаоллари учун ўкув-семинарлар ташкил этиш борасида кенгашиб олдилар. Жорий йилда ўтказилган бундай ўкув-семинарларни ҳақида тўхта-лар эканмиз, таъкидлаш жоизки ўкув дастурлари доирасида Анқ-арада 46 та семинар ташкил этилди. Уларда 13 мамлакатдан 668 нафар киши иштироки таъ-минланди. Ўзбекистонда ташкил этилган ушбу анжуманда 2007 йилда бундай семинарларни фа-қат Анқарада эмас, балки бошқа давлатларда ҳам ўтказишга ке-лишиб олинди.

Вадим ФЕДОРОВ, Белоруссия санот ходимлари касаба уюшмаси раиси:
— Мен ҳам ўзбек диёрида би-

рнинг бўлишим. Шу боис авва-ло бу мамлакат ва бу ерда яшаб, меҳнат қилаётган инсонлар ҳақида алоҳида тўхталишни ис-тайман. Ўзбек халқининг илди-лари узоқ тарихга бориб тақ-алуви ўзига хос маданияти, қи-мий қадриятларининг бугунги кун-гача сақланиб келаятгани, инсон-ларнинг бир-бирларига кўрсата-

ётган ҳурматлари, эҳтиромли му-носабат, ўзаро меҳр-оқибат мени жуда тўлқинлантириб юборди. Ушбу анжуман учун айнан Ўзбе-кистон касаба уюшмаларининг яна бир муҳим жиҳати, меҳнат муно-сабатларида юзага келадиган ҳар қандай масаланинг тўғри йўл билан одилона ҳал этилишидир. Бу — мамлакатда иш бевуричлар ва касаба уюшмаларининг бир-бири-ни тўғри тушушган ҳолда оқило-на йўлга қўйилган фаолиятдан далолатдир.

Мамлакатлар ўртасидаги масо-фага қарамай Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳамкорлиги-ларини келгусида ишчи-хизматчи-ларнинг касбий маҳоратлари бўйича турли танловлар асосида ривожлантириш фойдадан холи бўлмайди деб ўйлайман. Шу билан бирга ёшларни касаба уюш-маларига янада кўпроқ жалб этиш, улар дунёқарашини ке-нгайтириш мақсадида «Қуноқлар ва зукколар» мусобақалари таш-кил этиш мақсадида ҳам бор. Ушбу йўналишдаги ишлар тар-ғибот аҳамиятига ҳам эгадир.

Сирасини айтганда, режалар улкан. Келажакда Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳам-корлик алоқаларини бундан-да мустаҳкамлаш, бу орқали меҳ-натқашларнинг ижтимоий-иқти-содий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясида янги натижаларга эришиш ана шу режаларимиз-дан биридир.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот қотиби

Ўзбекистон касабачулик федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

Соҳа ходимлари ва барча юрtdошларимизни
яқинлашиб келаётган “2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили”
билан муборакбод этади.

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган
шифобахш табиий иқлим, маъданли сувларга бой,
барча имкониятларга эга бўлган,
замонавий жиҳозланган санаторийлар
сизга мунтазир!

